

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

490 Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг раҳбари ҳамда унинг Маслаҳатчисининг функционал вазифалари, шунингдек Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2016 йил 10 сентябрдаги ПҚ–2584-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

комплекси раҳбарининг функционал вазифалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари маслаҳатчисининг функционал вазифалари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти раҳбарлари ва мутахассисларининг функционал вазифалари тақсимотини бир ҳафта муддатда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 октябрь,
352-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 октябрдаги 352-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари —
Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва
телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбарининг
функционал вазифалари тўғрисида
НИЗОМ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2016 йил 10 сентябрдаги ПҚ–2584-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

— Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбарининг функционал вазифаларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари (кейинги ўринларда Бош вазир ўринбосари деб аталади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Бош вазир ўринбосарининг фаолияти давлатнинг ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, маънавий-маърифий соҳани, кинематография, оммавий ахборот воситалари, матбаа ва ноширлик иши, маданият, санъат, миллий ахборот макони мониторинги, почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттиришни ривожлантириш, ахборот фаолияти самарадорлигини ошириш, архив иши, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган.

5. Бош вазир ўринбосари мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзоси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати таркибига киради.

Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида бевосита иштирок этади.

II боб. Бош вазир ўринбосарининг вазифалари ва функционал мажбуриятлари

6. Қуйидагилар Бош вазир ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ёшлар сиёсати ва маънавий камолот соҳасида:

оммавий маданиятнинг менталитетимизга ёт бўлган элементларига, диний фанатизмга ва мафкуравий экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши туришга қодир бўлган йигит ва қизларнинг ички иммунитетини шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлган, маънавий бой ва баркамол, юқори маълумотли ва жисмонан соғлом, мустақил фикрловчи ва ўз ҳаётини нўқтаи назарига, кенг дунёқарашга, мустаҳкам билимларга, қатъий эътиқодларга, миллий маданият ва маънавий қадриятларга, асрлар бўйи тўпланган ноёб тажрибага ва жаҳон цивилизацияси ютуқларини чуқур ҳурмат қилишга асосланган юксак маънавий ва ахлоқий тамойилларга эга бўлган ўсиб келаётган авлодни вояга етказишга йўналтирилган ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

ёшлар жамоат ташкилотларининг камол топаётган авлодни тарбиялашдаги, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишдаги, «фуқаролик бурчи», «дахлдорлик туйғуси» ва «ёшлар маданияти» каби тушунчаларни ёшлар онгига сингдиришдаги ролини кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишдаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқариш, ёшларни ва ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамоат ташкилотларини жалб этган ҳолда улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

мамлакат фуқаролари, айниқса ўсиб келаётган авлод онгида миллий ғояга, миллий мафкурага, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантиришга, жамоатчилик онгига мустақиллик ғояларига чексиз содиқлик тамойилларини, Ватанга муҳаббатни, эркин ва раванқ топаётган давлат қуришдек буюк ва эзгу мақсадларга эришишга ишончни, фидойиликни сингдиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш;

мамлакатда юз бераётган кенг кўламли қайта ўзгартиришлар ва ўзгаришларнинг моҳиятини очиб бериш, миллий манфаатларни амалий ва фаол ташвиқ ва тарғиб қилиш, мамлакат мустақиллигининг маънавий асосини мустаҳкамлаш, миллий анъаналар ва урф-одатларни сақлаш бўйича аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда жамоат бирлашмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўмаклашиш;

демократик қадриятларни, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолининг таълим ва маданий савиясини оширишга, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни эҳтиётлаб сақлашга, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган телерадио дастурларнинг юқори сифатли, профессионал, бадий юксак даражасини таъминлаш;

Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида юз

бераётган ҳуқуқий демократик давлатни, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган демократик қайта ўзгаришлар тўғрисида аҳолини, шунингдек хорижий жамоатчиликни кенг хабардор қилиш;

жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаёти даражаси юксалишида миллий кино санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда умуминсоний ва миллий қадриятлар бирлиги тамойиллари асосида уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, мамлакатда эркин демократик жамият қуриш йўлида юз бераётган ўзгаришлар ва реал ютуқларни, миллий мустақиллик ғоясининг моҳиятини кино воситалари орқали акс эттириш, жамият ҳаётида, айниқса ёшлар тарбиясида кинематографиянинг ўрни ва иштирокини кучайтириш, кино маҳсулотларининг ғоявий-бадий савиясини ошириш ва уни янада такомиллаштириш;

бадий жиҳатдан юксак бўлган, камол топаётган авлод муносиб даражада ибрат оладиган замонавий қаҳрамон образини шакллантирадиган кино асарлари яратишга қодир бўлган энг янги технологияларни жорий этишни ҳамда маҳаллий кино мактабини, энг иқтидорли кинематографчиларни қўллаб-қувватлашни ҳисобга олган ҳолда, умум томонидан қабул қилинган жаҳон стандартларига мувофиқ бўлган кино асарлари яратадиган замонавий инфратузилмани ривожлантириш;

ижодий жамоаларнинг киностудияларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, кинематография соҳасида тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

демократик ислохотларни, давлатнинг ёшлар сиёсатини, ёшларнинг билими ва дунёқарашини кенгайтиришни, турли ахборот хуружларининг олдини олишни, оммавий ахборот воситаларида ахборотлар ва бошқа материаллар бериш шакллари ва усулларини мунтазам равишда такомиллаштириш, маҳаллий, айниқса ёшларнинг оммавий ахборот воситаларини янада кенг оммалаштириш орқали ёшларнинг онги ва тафаккурини оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан сақлашни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини янада кучайтириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ва матбаа фаолиятини, китоб маҳсулотлари ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатишни ривожлантириш соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошири, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ушбу соҳаларда сифат ўзгаришлари ва тенденцияларни баҳолаш;

оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини, оммавий ахборот воситалари ходимлари малакаси ва маҳоратини ошириш, журналист кадрларнинг янги фармациясини тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

б) маданият ва санъат соҳасида:

Ўзбекистон халқининг миллий маданий ва маънавий меросини асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий даражасини ошириш, жамиятнинг тобо-

ра ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг кенг қатламларини, айниқса ёшларни маданий-оммавий тадбирлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек маданият муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш;

эстрада санъатини ривожлантириш, оммавий байрамлар, фестиваллар, кўриклар ва танловлар, халқ сайилларини ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

театрларни оммавийлаштириш орқали халқнинг бадиий диди ва маданий даражасини ошириш, давримизнинг қаҳрамони образини замонавий талқин қилишда жаҳон ва миллий театрни ривожлантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда театрларнинг репертуарларини шакллантиришга кўмаклашиш, театр арбоблари — драматурглар, режиссёрлар ва актёрларнинг ёш авлодини тайёрлашни такомиллаштириш, театр санъатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш, давлат интерактив хизматларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг ахборотлаштирилиши даражасини ошириш, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларнинг замонавий бозорини шакллантириш, шунингдек соҳавий турдош хизматлар сифатини оширишга оид ягона давлат сиёсатини шакллантириш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига ва замонавий халқаро тенденцияларга мувофиқ давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

г) миллий ахборот макони мониторинги ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

миллий ахборот маконининг яхлитлигини сақлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот ресурслари ва тизимлари-

нинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини ташкил этиш;

миллий ахборот макони ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернет тармоғи, ахборотларни, шунингдек босма маҳсулотларни етказиб бериш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситаларининг, шунингдек босма маҳсулотларнинг тизимли мониторинги олиб борилишини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник базани такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш талаблари бўйича мажбурий тартибда аттестациядан ўтказиш тизимини ривожлантириш, ахборот айирбошлашнинг ҳимояланган электрон шаклларига босқичма-босқич ўтиш, ахборот хавфсизлигига таҳдидларни прогноз қилиш, ушбу таҳдидларга қарши ҳаракат тизимларини шакллантириш;

д) почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, архив иши, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида:

почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш тармоқларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалаларида давлат сиёсатини шакллантириш ва таъминлаш;

телекоммуникациялар соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини янада чуқурлаштиришни, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтиришни таъминлаш, импортнинг ўрнини босишни ва маҳаллий хом ашё ресурслари базасида ички бозорни зарур истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан таъминлайдиган замонавий, юқори технологияли рақобатбардошли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги ташкилотларда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишни ташкил этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ почта, телекоммуникациялар, телерадиоэшиттириш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳаларида қонунчиликни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, шу жумладан Интернет тармоғининг ахборот тизимлари ва ресурсларидан, мобиль ва йўлдош алоқа тармоқларидан кенг полосали фойдаланишни кенгайтириш, телерадиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш;

почта ва телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш тармоқлари ва воситаларини модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда архив иши, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

халқаро стандартларга мувофиқ интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ишлари самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

почта, телекоммуникациялар, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш методларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ва давлатнинг бошқа ташкилотларида, шу жумладан электрон ҳужжатлар айланиши тизимларини қўллаган ҳолда архив иши ва иш юритиш самарадорлигини ошириш, Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши чора-тадбирларини амалга ошириш;

почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш соҳаларида, ахборот бозорини тартибга солиш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик самарадорлигини таъминлаш.

7. Бош вазир ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ: ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига биноан республиканинг тегишли ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари ва дастурлари бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига бевосита раҳбарлик қилади, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот-коммуникация технологияларини, телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (маданият масалалари бўйича), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), Интеллектуал мулк агентлиги, «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалиёт маркази, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Маҳалла» фонди, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, «Алоқа-банк» АТБ, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, шунингдек ўз фаолиятини ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида лицензия битимлари-

га мувофиқ амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги, жамоат ташкилотларидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари номенклатурасига кирадиган лавозимларга номзодлар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда киритади;

Комплекс бошқарадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига рухсат белгиси (виза) қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларининг экспертизадан ўтказилишини ва сифатли тайёрланишини ташкил этиш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг департамент мудирини, шўъбалари мудирлари, бош ва етакчи мутахассислари лавозимларига кадрлар танлашни Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан биргаликда амалга оширади;

Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудирини, шўъбалари мудирларини ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўлланиш тўғрисида таклифлар киритади;

Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментида, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратларида кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил қилади.

8. Бош вазир ўринбосари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири бошчилик қиладиган комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини, шунингдек уларнинг қарорлари бажарилишини ташкил этиш юзасидан назоратни таъминлайди.

9. Бош вазир ўринбосари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ комиссиялар ва кенгашларга раҳбарлик қилади.

III боб. Бош вазир ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Бош вазир ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари коллегиял органларининг мажлисларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқлари бўйича — давлатнинг бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Комплекс бошқарадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушадиган ҳужжатларни қайтариш.

Бош вазир ўринбосарининг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари ва топшириқлари унинг томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

Бош вазир ўринбосарининг ўзи бошқарадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига топшириқлари белгиланган тартибда бажарилиши мажбурийдир.

11. Бош вазир ўринбосари:

зиммасига юкланган вазифаларнинг зарур тарзда ва сифатли бажарилиши;

ўзи раҳбарлик қиладиган Комплекстаги ишларнинг ҳолати, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва назорат қилинишини, Комплекс юритувига кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган Ҳуку-

мат қарорлари лойиҳаларини республика давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорлигини назарда тутиб ва улардаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан боғлаган ҳолда пухта экспертизадан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси таркибига кирадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомининг мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV боб. Бош вазир ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

12. Бош вазир ўринбосарининг ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамаси Регламентига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари ҳамда Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг иш режаси асосида ташкил этилади.

Комплекснинг иш режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланади.

Бош вазир ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларни амалга ошириш йўли билан, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати, Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси мажлисларида ҳисоботларни эшитган ҳолда ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбарининг функционал вазифалари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари томонидан фаолиятининг ташкил этилишини ва қарорларининг бажарилишини назорат қилиш таъминладиган комиссиялар (кенгаш)

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири бошқарадиган комиссиялар (кенгаш)

1. Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини нишонлашни ташкил этиш бўйича доимий ишлайдиган Республика комиссияси.
2. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш масалалари бўйича Республика комиссияси.
3. «Маънавият ва маърифат» Республика кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбарининг функционал вазифалари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари бошчилик қиладиган комиссиялар ва кенгашлар

1. 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси.
2. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия.
3. Вазирлар Маҳкамасининг ноширлик фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси.
4. Маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Ҳукумат комиссияси.

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш.

6. Радиочастоталар бўйича Республика кенгаши.

7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши.

8. Истеъдодли ёшларга «Ниҳол» мукофотлари бериш бўйича Республика кенгаши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 октябрдаги 352-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари —
Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари маслаҳатчисининг
функционал вазифалари тўғрисида
НИЗОМ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2016 йил 10 сентябрдаги ПҚ–2584-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари маслаҳатчисининг функционал вазифаларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари маслаҳатчиси (кейинги ўринларда Маслаҳатчи деб аталади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Маслаҳатчининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари (кейинги ўринларда Бош вазир ўринбосари деб аталади) бошчилигида амалга оширилади ҳамда Бош вазир ўринбосарининг миллий ғоя ва мафкура, маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар сиёсати масалаларига доир фаолиятини ахборот, эксперт-таҳлил ва маслаҳатлар билан таъминлашга йўналтирилган.

Маслаҳатчи манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи

ҳоқимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда, Бош вазир ўринбосари зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган миллий ғоя ва мафкура, маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар сиёсати масалалари бўйича изчил ва мувофиқлаштирилган тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишда Бош вазир ўринбосарига кўмаклашади.

4. Маслаҳатчи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ҳисобот беради.

Маслаҳатчи ўз фаолиятини Бош вазир ўринбосари топшириқларига биноан ҳамда Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II боб. Маслаҳатчининг вазифалари ва функционал мажбуриятлари

5. Қуйидагилар Маслаҳатчининг асосий вазифалари ҳисобланади:

миллий ғоя ва мафкура, маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар сиёсати масалаларида Комплекс мутасаддилик қиладиган вазирликлар, идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштириш ва натижадорлигини таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш;

мамлакат фуқаролари, айниқса ўсиб келаётган авлод онгида ўзининг миллий ғоясига, мустақил миллий мафкурага, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш шакллари, усуллари ва механизмларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

жамоатчилик онгида мустақиллик ғояларига чексиз содиқликни, миллий ўзликни англашни, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорликни, эркин ва раванқ топаётган давлат қуриш йўлида фидойиликни сингдиришга, аҳолининг, айниқса ёшларнинг терроризм, диний экстремизм, радикализм, ёт менталитет мафкуралари, «оммавий маданият» ва маънавиятга бошқа таҳдидлар таъсирига қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;

аҳоли ўртасида ўтказиладиган миллий ғояни тарғиб қилиш ва маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар фаолиятида миллий ғояни тарғиб қилиш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича материаллар ва маълумотларни ўрганиш, баҳолаш;

мамлакатда юз бераётган кенг кўламли таркибий ўзгартиришлар ва ўзгаришларнинг моҳиятини очиб бериш, миллий манфаатларни чуқур ўйланган фаол ташвиқ ва тарғиб қилиш концепциясини, ёшларда «фикрга қарши —

фикр билан, ғояга қарши — ғоя билан, жаҳолатга қарши — маърифат билан курашиш» тамойилларига амал қилиш уқуви ва малакасини шакллантириш мақсадида, мамлакат мустақиллигининг маънавий асосини доимий мустаҳкамлаш, миллий анъаналар ва урф-одатларни авайлаб асраш, замонавийлик жиҳатидан бойитиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз ижтимоий-шахсий, ижодий-интеллектуал, профессионал салоҳиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг жамоатчилик, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш;

ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги энг муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ҳамда катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш.

6. Маслаҳатчи ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ:

Бош вазир ўринбосарига тегишли масалалар бўйича Комплекс фаолиятида асосий йўналишларни, устувор вазифаларни ишлаб чиқишга доир таклифлар киритади;

Бош вазир ўринбосари топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирилган материалларни тайёрлайди, қўйилган масалаларни самарали ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Бош вазир ўринбосарига ҳамда Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига консултатив ва методик ёрдам кўрсатади;

Комплекснинг жорий ва истиқболли иш режаларига мувофиқ Комплекс таркибига кирадиган вазирликлар ва идоралар томонидан бажариладиган энг муҳим лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилиши ҳамда уларнинг натижалари мониторингини олиб бориш ва прогнози бўйича таҳлилий материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрлашни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, бошқа материаллар ва ҳужжатларнинг киритилган лойиҳаларини кўриб чиқади ва, зарурат бўлганда, тегишли таклифлар тайёрлаган ҳолда Бош вазир ўринбосарига ахборот беради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда, шунингдек уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этади;

мажлислар ва йиғилишларга тайёргарлик кўриш доирасида Бош вазир ўринбосарига материаллар, шу жумладан маърузалар лойиҳаларининг пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида иштирок этади;

Бош вазир ўринбосари топшириғига биноан мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири топшириғи бўйича эса — давлатнинг бошқа органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг Комплекс юретиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича мажлислари ва йиғилишларида иштирок этади.

III боб. Маслаҳатчининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Маслаҳатчи ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлардан сўраш;

Бош вазир ўринбосари топшириғига биноан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни пухта ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб қилиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

8. Маслаҳатчи:

ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва Бош вазир топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан жавоб беради.

IV боб. Маслаҳатчи фаолиятини ташкил этиш

9. Маслаҳатчининг ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва Бош вазирнинг топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари ҳамда Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг иш режаси асосида ташкил этилади.

10. Маслаҳатчининг шахсий иш режаси Бош вазир ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 октябрдаги 352-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва
телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил
департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I боб. Умумий қоидалар

1. Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Раёсатини, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратини:

ёшлар сиёсати ва маънавий ривожлантириш, чуқур ахлоқий ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, ахборот фаолияти, маданият ва санъат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек миллий ахборот макони мониторинги, почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттиришни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши самарадорлигини ошириш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарига бўйсунди, айти вақтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви

органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II боб. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Ёшлар сиёсати ва маънавий камолот соҳасида:

оммавий маданиятнинг менталитетимизга ёт бўлган элементларига, диний фанатизмга ва мафкуравий экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши туришга қодир бўлган йигит ва қизларнинг ички иммунитетини шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлган, маънавий бой ва баркамол, юқори маълумотли ва жисмонан соғлом, мустақил фикрловчи ва ўз ҳаётини нуктаи назарига, кенг дунёқарашга, мустақкам билимларга, қатъий эътиқодларга, миллий маданият ва маънавий қадриятларга, асрлар бўйи тўпланган ноёб тажрибага ва жаҳон цивилизацияси ютуқларини чуқур ҳурмат қилишга асосланган юксак маънавий ва ахлоқий тамойилларга эга бўлган ўсиб келаётган авлодни вояга етказишга йўналтирилган ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

ёшлар жамоат ташкилотларининг камол топаётган авлодни тарбиялашдаги, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишдаги, «фуқаролик бурчи», «дахлдорлик туйғуси» ва «ёшлар маданияти» каби тушунчаларни ёшлар онгига сингдиришдаги ролини кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишдаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқариш, ёшларни ва ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамоат ташкилотларини жалб этган ҳолда улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

мамлакат фуқаролари, айниқса ўсиб келаётган авлод онгида миллий ғояга, миллий мафкурага, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантиришга, жамоатчилик онгига мустақиллик ғояларига чексиз содиқлик тамойилларини, Ватанга муҳаббатни, эркин ва раванқ топаётган давлат қуришдек буюк ва эзгу мақсадларга эришишга ишончни, фидойиликни сингдиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш;

мамлакатда юз бераётган кенг кўламли қайта ўзгартиришлар ва ўзгаришларнинг моҳиятини очиб бериш, миллий манфаатларни амалий ва фаол ташвиқ ва тарғиб қилиш, мамлакат мустақиллигининг маънавий асосини мустақкамлаш, миллий анъаналар ва урф-одатларни сақлаш бўйича аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда жамоат бирлашмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўмаклашиш;

демократик қадриятларни, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолининг таълим ва маданий савиясини оширишга, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни эҳтиётлаб сақлашга, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган телерадио дастурларнинг юқори сифатли, профессионал, бадий юксак даражасини таъминлаш;

Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида юз бераётган ҳуқуқий демократик давлатни, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган демократик ўзгаришлар тўғрисида аҳолини, шунингдек хорижий жамоатчиликни кенг хабардор қилиш;

жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаёти даражаси юксалишида миллий кино санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда умуминсоний ва миллий қадриятлар бирлиги тамойиллари асосида уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, мамлакатда эркин демократик жамият қуриш йўлида юз бераётган ўзгаришлар ва реал ютуқларни, миллий мустақиллик ғоясининг моҳиятини кино санъати воситалари орқали акс эттириш, жамият ҳаётида, айниқса ёшлар тарбиясида кинематографиянинг ўрни ва иштирокини кучайтириш, кино маҳсулотларининг ғоявий-бадий савиясини ошириш ва уни янада такомиллаштириш;

бадий жихатдан юксак бўлган, камол топаётган авлод муносиб даражада ибрат оладиган замонавий қаҳрамон образини шакллантирадиган кино асарлари яратишга қодир бўлган энг янги технологияларни ҳисобга олган ҳолда, умум томонидан қабул қилинган жаҳон стандартларига мувофиқ бўлган кино асарлари яратадиган замонавий инфратузилмани ривожлантириш;

ижодий жамоаларнинг киностудияларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, кинематография соҳасида тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

демократик ислохотларни, давлатнинг ёшлар сиёсатини, ёшларнинг билими ва дунёқарашини кенгайтиришни, турли ахборот хужжатларининг олдини олишни, оммавий ахборот воситаларида ахборотлар ва бошқа материаллар бериш шакллари ва усулларини мунтазам равишда такомиллаштириш, маҳаллий, айниқса ёшларнинг оммавий ахборот воситаларини янада

кенг оммалаштириш орқали ёшларнинг онги ва тафаккурини оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан сақлашни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини янада кучайтириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ва матбаа фаолиятини, китоб маҳсулотлари ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатишни ривожлантириш соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ушбу соҳаларда сифат ўзгаришлари ва тенденцияларни баҳолаш;

оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини, оммавий ахборот воситалари ходимлари малакаси ва маҳоратини ошириш, журналист кадрларнинг янги фармациясини тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

б) маданият ва санъат соҳасида:

Ўзбекистон халқининг миллий маданий ва маънавий меросини асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий даражасини ошириш, жамиятнинг тобора ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг кенг қатламларини, айниқса ёшларни маданий-оммавий тадбирлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек маданият муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш;

эстрада санъатини ривожлантириш, оммавий байрамлар, фестиваллар, кўриклар ва танловлар, халқ сайилларини ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

театрларни оммавийлаштириш орқали халқнинг бадий диди ва маданий даражасини ошириш, давримизнинг қаҳрамони образини замонавий талқин қилишда жаҳон ва миллий театрни ривожлантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда театрларнинг репертуарларини шакллантиришга кўмаклашиш, театр арбоблари — драматурглар, режиссёрлар ва актёрларнинг ёш авлодини тайёрлашни такомиллаштириш, театр санъатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида:

1) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш, давлат интерактив хизматларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг ахборотлаштирилиши даражасини ошириш, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларнинг замонавий бозорини шакллантириш, шунингдек соҳавий турдош хизматлар сифатини оширишга оид ягона давлат сиёсатини шакллантириш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига ва за-

монавий халқаро тенденцияларга мувофиқ давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларини янада ривожлантириш ва сифатини яхшилашни таъминлаш, тегишли ахборот ресурсларидан, шу жумладан қишлоқ жойларда кенг фойдаланишни таъминлаш;

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини таъминлаш;

ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари, уларнинг комплекслари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари реестрларини, шунингдек давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат хизматларини, шакллари ва бланкаларини шакллантириш ва юритишни мувофиқлаштириш;

кейинчалик аниқ тавсиялар ва таклифлар тайёрланган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини ва «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмуриятчилик тартиб-таомилларини, функционал ва операция жараёнларини тизимли қайта ташкил этиш ва ахборотлаштиришни таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида таклифлар тайёрлаш;

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини компьютер саводхонлигининг энг кам даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларини таҳлил қилиш;

Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини, ахборот технологиялари ва хизматлари бозорини ривожлантириш, ахборот тизимларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни мақсадли ва манзилли рағбатлантириш механизмларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

худудлар ўртасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ва уларни ривожлантиришда тенгсизликни бартараф этиш бўйича амалий ва самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

2) иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига ва замонавий халқаро тенденцияларга мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш ҳамда устувор йўналишларни белгилаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот тизимлари ва ресурсларини, ахборот технологиялари ва хизматлари бозорини янада ривожлантириш, ахборот тизимлари ва тармоқларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шартшароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

рақобатбардошли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва унинг ички бозорини рағбатлантириш соҳасида давлат сиёсати шакллантирилишида қатнашиш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида замонавий дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этишни мувофиқлаштириш;

рақобатбардошли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни, шунингдек истиқболли лойиҳаларни ва инновацион технологияларни яратишда банд бўлган иқтидорли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини, уларни халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқ ўзаро боғлиқ ҳолда мутаносиб ривожлантиришни таҳлил қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, бошқарув тизимида, банк ва молия тизимларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ахборот-коммуникация технологияларини, Интернет тармоғи ва ахборот тизимларидан фойдаланиш-

нинг самарадорлигини ривожлантириш ишларининг ҳолати мезонлари ва таҳлили тизимларини ишлаб чиқишга доир ишларни ташкил этиш;

хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборотлаштириш, ахборот тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

молия, банк ва суғурта секторларида, тўлов тизимларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш ва ташкил этиш, электрон тижоратни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, фан ва таълим, молия, тиббиёт, ахборот ва банк хизматлари, транспорт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш, аҳоли кенг қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

сифатли дастурий маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш, компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмларни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, эркин илм-фан ва технология зоналари ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

г) миллий ахборот макони мониторинги ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

миллий ахборот маконининг яхлитлигини сақлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот ресурслари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсати амалга оширилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларидан фойдаланишда ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот ресурсларининг ишлаб чиқилиши ва фойдаланилиши, техник талаблар, қоидалар ва стандартларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, мақсадли ўрганишларни ташкил этиш;

миллий ахборот макони ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернет тармоғи, ахборотларни, шунингдек босма маҳсулотларни етказиб бериш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситаларининг тизимли мониторингини амалга ошириш;

миллий ахборот маконини таҳлил қилиш, унинг мониторингини ташкил этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш шакллари ва усулларини такомиллаштириш, ахборот ресурслари ва хизматлари бозорини ривожлантириш,

ахборотлар айирбошлашнинг ҳимояланган электрон шакллариغا изчил равишда босқичма-босқич ўтиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларига рухсатсиз кириш ҳолларини бартараф этишни таъминлайдиган дастурий-техник воситаларини қўллаш бўйича Интернет тармоғи ахборот ресурсларига, ахборот тизимларини бошқаришга ягона талабларни шакллантиришда қатнашиш;

ташкилий-техник ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, операторлар ва провайдерларнинг давлат ваколатли тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

миллий ахборот макони мониторингини олиб бориш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг миллий ахборот макони мониторингини олиб бориш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини ахборот хавфсизлигини таъминлаш талаблари бўйича мажбурий тартибда аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

объектларни таснифлаш ва баҳолашни ташкил этиш, ахборот хавфсизлигига таҳдидларни, шунингдек ушбу таҳдидларга қарши ҳаракат тизимларини прогноз қилиш, электрон тўлов тизимларининг ишончли ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник инфратузилмаси ривожланишини назорат қилиш, шу жумладан Интернет-оқимлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар тармоқлари мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш тизимини яратиш;

ахборот хавфсизлиги бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ва самарадорлиги мониторингини олиб бориш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

д) почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, архив иши, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида:

почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш тармоқларини ривожлантириш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалаларида давлат сиёсати шакллантирилиши ва амалга оширилиши таъминланишида қатнашиш;

почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттиришни ривожлантиришда иқтисодий ислохотларни амалга оширишни, сифат ўзгаришлари ва тенденцияларни баҳолашни, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишни тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

телекоммуникациялар соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, даражасини янада чуқурлаштиришни, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтиришни таъминлаш, импортнинг ўрнини босишни ва маҳаллий хом ашё ресурслари базасида ички бозорни зарур истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан таъминлайдиган замонавий, юқори технологияли рақобатбардошли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги ташкилотларда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этишни ташкил этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

почта, телекоммуникациялар, телерадиоэшиттириш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш;

почта, телекоммуникациялар, телерадиоэшиттириш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, шу жумладан Интернет тармоғининг ахборот тизимлари ва ресурсларидан, мобиль ва йўлдош алоқа тармоқларидан кенг поласали фойдаланишни кенгайтириш, телефон алоқаси ва телерадиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш;

умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникациялар, почта алоқаси, ахборотлаштириш ва радиочастота спектри соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

почта ва телекоммуникациялар корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш;

почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш соҳаларида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ушбу соҳаларда бошқарув шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ва бошқа ташкилотларда архив иши ва иш юритишнинг аҳволи мониторингини олиб бориш ва уларни таҳлил қилиш, архив иши тизими ишларининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш, Ўзбе-

кистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланишини таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ва бошқа давлат ташкилотларида иш юритишнинг, шу жумладан, электрон ҳужжатлар айланиши тизимини қўллаган ҳолда иш юритишнинг самарадорлиги ва функционаллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали тизими фаолият кўрсатиши мониторингини олиб бориш ва уни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизим ишлари самарадорлигини ошириш ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ЭХМ учун аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва дастурлар тарқатиш масалалари бўйича, сохта маҳсулотлар тарқалишининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

почта ва телекоммуникациялар ташкилотларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича мониторинг олиб борилишини ташкил этиш ва уни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

почта ва телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш тармоқлари ва воситаларини модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда архив иши, ушбу соҳаларга хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

почта ва телекоммуникациялар хизматлари сифатини ошириш, уларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, почта ва телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек почта алоқа воситалари орқали пенсияларни ўз вақтида етказиб бериш масалаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

почта ва телекоммуникациялар соҳаси, шунингдек мутасаддилик қилинадиган бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ҳолати мониторингини олиб бориш, уларнинг зарур ихтисосдаги кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялар ва ихтиролар, илмий-техника ва саноат ишланмалари, бадий конструкторлик ва ижодий ишларнинг бошқа турларини мониторинг қилиш, таҳлил қилишни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, архив иши ва иш юритиш соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини ташкил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда архив иши ва иш юритиш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш вазифаларини комплекс ҳал этишни ташкил қилиш;

почта, телекоммуникациялар ва телерадиоэшиттириш соҳаларида, ахбо-

рот бозорини тартибга солиш, архив иши ва иш юритиш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш мониторингини олиб бориш ва уни таҳлил қилиш, ушбу соҳаларда халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

ўзи мутасадди бўлган соҳаларда ишларнинг ҳолатини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ва Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқлар ва соҳаларни, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек тегишли тармоқларда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш дастурлари амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базалари яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда тўлдириб ва янгилаб борилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун тахлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур тахлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материаллар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари комплекс ва сифатли ишлаб чиқирилиши ва тайёрланишини ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари билан келишилишини таъминлайди;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини ташкил қилади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар ишлари самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилишни амалга оширади.

Департамент ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам белгиланган тартибда амалга оширади.

III боб. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир биринчи ўринбосарининг ва Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий

муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда тушаётган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллари, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур тарзда ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳаларини, таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV боб. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига қуйидагилар киради:

ёшлар сиёсати ва маънавий ривожлантириш масалалари шўъбаси;

маданият ва санъат масалалари шўъбаси;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари шўъбаси;

миллий ахборот макони мониторинги ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари шўъбаси;

почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, архив иши, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси.

Хар бир шўъба таркибига шўъба мудир, бош ва етакчи мутахассислар кирази.

Департамент тузилмасига икки нафар инспектор кирази.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига Департамент мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудир, шўъба мудирлари ва мутахассислар белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V боб. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тўғрисидаги низомга, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, Департамент мудир, шўъбалар мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режаси Комплекснинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланган иш режаси асосида шакллантирилади.

Департаментнинг иш режаси ва Департамент мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Шўъбалар мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари Департамент мудир томонидан тасдиқланади.

Департаментнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари амалга оширилиши тизимли мониторингини амалга ошириш бўйича фаолияти мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, бошқа органлар ва ташкилотларда Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига мувофиқ комплекс ўрганишларни ўтказиш йўли билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир биринчи ўринбосарининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати, Комплекс мажлисларида ҳисоботларни эшитиш орқали таъминланади.

14. Департамент мудир:

Департаментга бевосита раҳбарлик қилади, шўъба мудирлари ва мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига рухсат белгиси (виза) қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ҳамда республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторинг ташкил этилишини ҳамда маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, шўъба мудирлари ва мутахассисларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишган ҳолда Комплекс раҳбарига кўриб чиқиш учун киритади;

шўъба мудирлари ва мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимлалини тасдиқлаш, шунингдек Комплексининг ярим йиллик учун иш режаси лойиҳасини келишиш учун Комплекс раҳбарига киритади, Департамент шўъба мудирлари ва мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган республика Ҳукумати қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Департаментнинг кадрлари захирасини шакллантириш ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш олиб бориш ташкил этилишини таъминлайди.

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ иш юриштишни таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Департамент мудир вақтинчалик бўлмаганда унинг вазифасини

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан белгиланган Департаментнинг шўъба мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ва шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар бўйича маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар томонидан сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади;

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг мониторингини доимий равишда таъминлайди;

масалаларни ўрганиб чиқишни мувофиқлаштиришни ва тегишли давр учун мутахассислар, Департамент ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган иш режаларидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида тегишли таклифларни кўриб чиқиш учун Департамент мудирига ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига киритади;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базасининг мутахассислар томонидан яратилиши ва юритилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, Бош вазирнинг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, шунингдек Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Департамент мудирига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар ва кенгашлар мажлисларида, шўъба юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудир топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати

мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун ўзига биркирилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказди, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини уларни зарур даражада тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифларнинг ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт хулосаларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ зарур келишувларини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига ва шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳамда унинг ўринбосарларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равишда тўлдириб ва янгилаб борилишини ташкил қилади;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва юридик хизматлари)нинг таркибий бўлинмалари ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганиб боради, уларнинг коллегиял органлари мажлисларида қатнашади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

ўзига биркирилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон

Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Хукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини уларни зарур даражада тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт хулосаларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун кирилади, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ҳамда унинг ўринбосарларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг

туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равишда тўлдириб ва янгилаб борилишини ташкил қилади;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва юридик хизматлари)нинг таркибий бўлинмалари ишларининг аҳволи ва натижадорлигини доимий равишда ўрганиб боради, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади.

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудири билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотиға мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрлаишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 октябрдаги 352-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиртилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 57-модда):

а) 4-банддаги «А.А. Азизхўжаев» сўзи «А.Н. Арипов» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Вазирлар Маҳкамасининг Ноширлик фаолиятини
лицензиялаш комиссияси
ТАРКИБИ**

- Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Комиссия раиси
- лавозимига кўра — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош
директори, Комиссия раисининг ўринбосари
- Усманов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбо-
сари
- Қўчқоров Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбо-
сари
- Турдиев Д.Р. — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўрин-
босари
- Гафаров С.Х. — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари
- Гадоев Э.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
раисининг ўринбосари
- Джумабаев Р.Т. — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош
директорининг ўринбосари
- Маматов Х.С. — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг
Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг
маркази бошлиғи
- лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият,
ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари
ахборот-таҳлил департаменти Ёшлар сиёсати ва маъна-
вий ривожлантириш масалалари шўъбаси бош мута-
хассиси, Комиссиянинг масъул котиби.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия тарки-
бига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига те-
гишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ
байрамларига тайёргарликни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»
2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорига илова матни қуйидаги таҳрирда баён
қилинсин:

**«Мустақиллик куни ва Наврӯз умумхалқ байрамларини
ташқил этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи
Республика комиссиясининг
ТАРКИБИ**

- Мирзиёев Ш.М. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Комиссия раиси
- Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
- Султонов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (келишув бўйича), Комиссия раисининг ўринбосари
- Садиков Ш.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир

Комиссия аъзолари:

- Закиров Б.И. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
- Усмонов Р.Ж. — Тошкент шаҳри ҳокими
- Алимов А.В. — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири
- Ахмедбаев А.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири
- Ахмедов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири
- Аҳмедов М. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
- Бердиев К.Р. — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири
- Ғаниев Э.М. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири
- Дусанов З.А. — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси
- Иноғомов Ж.С. — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси
- Иноятов Р.Р. — Миллий хавфсизлик хизмати раиси
- Иноятов У.И. — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

- Комилов А.Х. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири
- Қосимов Н.У. — Республика Маънавият тарғибот марказининг раҳбари
в. б.
- Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазири
- Қўчқоров Ж.А. — Молия вазирининг ўринбосари
- Матчанов Ж.М. — Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бош-
қармаси бошлиғи
- Мирзалиев И.
(Иқбол Мирзо) — Ўзбекистон халқ шоири
- Мирзохидов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазири
- Мусаев А.Э. — «Ўзбеккино» миллий агентлигининг бош директори
- Нарбаева Т.К. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
раиси
- Нуридинов А.В. — Ўзбекистон Бадий академияси раиси
- Раҳматов Ў. — «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари бош
муҳаррири
- Ризаев Ф.М. — «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси
- Сайфуллаев Б.С. — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
ректору
- Салихов Ш.И. — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти
- Содиқов А.Х. — «Тошшаҳарйўловчитранс» компанияси раиси
- лавозимига кўра — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош
директори
- Тян В.Н. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси
бош директори
- Усмонов Ш.Ф. — «Нуроний» жамғармаси раиси
- Файзиев З.О. — «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси бошқаруви раиси

- Хаджаев А.Д. — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси
- Ҳазратқулов М. — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
- Хайдаров И.У. — «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти раиси
- Юсупов О.О. — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 октябрдаги 295-сон қарорида:

- а) 11-банддаги «А.И. Икрамов» сўзи «А.Н. Арипов» сўзи билан алмаштирилсин;
- б) 2-илова матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш
масалалари бўйича Республика комиссияси
ТАРКИБИ**

- Мирзиёев Ш.М. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Комиссия раиси
- Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
- Султонов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (келишув бўйича), Комиссия раисининг ўринбосари
- Арабов С.А. — Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг раиси
- Қўчқоров Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари
- Лутпуллаев С.Л. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти

- Маджидов И.У. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари
- Джалолов Ф.Х. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари
- Нишанбаев С.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари
- Тохтаев А.Р. — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Мирусманов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Файзиев Р.Х. — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
- Мавлонов А.А. — Давлат геология қўмитаси раисининг ўринбосари
- Қосимов Н.У. — Республика Маънавият тарғибот марказининг раҳбари в. б.
- Иноғомов Ж.С. — «Маҳалла» хайрия фонди раиси
- Саидов С.С. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари
- Юнусова Х.Э. — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудири
- Комилова Н.К. — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети география кафедрасининг мудири
- Абдуллаев Р.М. — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институти директори
- Маҳмудов Н.М. — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг проректори — Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институти директори
- лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг Ёшлар сиёсати ва маънавий ривожлантириш масалалари шўъбаси мудири.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 21 июлдаги 200-сон қарорида:

а) 10-банддаги «А.И. Икрамов» сўзи «А.Н. Арипов» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Моддий маданий ва археология мероси объектларини
муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини
мувофиқлаштириш бўйича Хукумат комиссияси
ТАРКИБИ**

- Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Комиссия раиси
- Ахмедов Б.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири, Комиссия раисининг
ўринбосари
- Тохтаев А.Р. — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари
- Давлетов Р.К. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи
ўринбосари
- Туляганов Ш.А. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари
- Нишанбаев С.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг
ўринбосари
- Гафаров С.Х. — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари
- Ризаев Ф.М. — «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси
- Салихов Ш.И. — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти
- Нуридинов А.В. — Ўзбекистон Бадий академияси раиси
- Қўчқоров Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўрин-
босари

- Эсонов М.Т. — Бухоро вилояти ҳокими
- Рўзиев З.Ш. — Қашқадарё вилояти ҳокими
- Мирзаев З.Т. — Самарқанд вилояти ҳокими
- Бобожонов П.Р. — Хоразм вилояти ҳокими
- Заиров Ш.Ш. — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи, Комиссия котиби.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон қарориди:

- а) 7-банддаги «Б.Ю. Ходиев» сўзи «А.Н. Арипов» сўзи билан алмаштирилсин;
- б) 2-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши ТАРКИБИ

- Абдуллаев И.З. (келишув бўйича) — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси
- Садиков Ш.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири, Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари
- Файзуллаев А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари
- Усманов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари

- лавозимига кўра* — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори
- Абдуллаев А.Х. — «Ўзархив» агентлигининг бош директори
- Ходжаев А.А. — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-ахборот ресурс маркази директори
- Хикматуллаев Н.Н. — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари
- Суяров С.Л. — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) бош директорининг ўринбосари
- Хабибуллаев Ш.Х. — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази директори
- Абдукаримов Г.О. — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори
- Халимбеков И.Т. — Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси
- Абдуллаев А.А. — Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори
- Абдухаликов Ф.Ф. — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг раиси
- Каримов А.М. — Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг раиси
- лавозимига кўра* — Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг шўъба мудири, Жамоатчилик кенгаши котиби.

Изоҳ: Жамоатчилик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот фаолияти ва маълумотларни уза-тишни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича идоралар-

аро мувофиқлаштириш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 19 майдаги 162-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин».

б) илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ахборот фаолияти ва маълумотларни узатишни
такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича
Идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси
ТАРКИБИ**

- Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси
- Олматов Б.А. — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари
- Умарходжаев Ф.Т. — Комиссия ишчи гуруҳининг раҳбари, Комиссиянинг масъул котиби

Комиссия аъзолари:

- Абдуллаев И.З. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси (келишув бўйича)
- Садиков Ш.М. — Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир
- Акабиров А.М. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати консультанти (келишув бўйича)
- Саиджанов Д.М. — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппаратининг етакчи инспектори (келишув бўйича)
- Парпиев Б.Р. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси
- Хаджаев А.Д. — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси
- Ходжаев А.К. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари

- Нишанбаев С.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари
- Икрамов М.М. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири
- Салиев М.О. — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари
- лавозимига кўра — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори
- Мухтаров Ф.Ш. — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлигининг ўринбосари — Бош штаб бош бошқармаси бошлиғи
- Хамидов М.М. — Миллий хавфсизлик хизматининг бўлим бошлиғи
- Абдухолиқов Ф.Ф. — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси.

Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади».

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 октябрдаги 352-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бош вазир ўринбосари — Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплекси раҳбари ҳамда унинг Маслаҳатчисининг функционал вазифалари, шунингдек Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 31 декабрдаги 382-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 23 мартдаги 81-сон қарори 1-бандининг еттинчи хатбоши ҳамда қарорга 6-илова.